



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ,
МЕЎЁРЛАРИ ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ**

**Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигининг
гигиеник нормативлари**

№ 0366-19-сонли СанҚваМ

Расмий нашр

Тошкент-2019



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ МЕЪЁРЛАРИ,
ҚОИДАЛАРИ ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Бош Давлат санитария врачлари
В.В.б.**

Б.Қ.Юсупалиев

2019 й «25» мая

**Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги
гигиеник нормативлари**

№ 0366-19 -сонли СанҚваМ

Расмий нашр

Тошкент-2019

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ МУАССАСАЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати бош бошқармаси (ЎзР ССВ СЭНББ);

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика Санитария-эпидемиология назорати маркази (ЎзР ССВ РЕСДСЭНМ);

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (ЎзР ССВ ТошВМОИ).

Тузувчилар:

Н.В. Шарипова	ЎзР ССВ СЭНББ санитария бўлими бошлиғи; ЎзР ССВ СЭНББ овқатланиш гигиенаси бўйича бош мутахассиси,
А.С. Худайбергандов	т.ф.д., профессор;
Б.И. Алматов	РесДСЭНМ бош врач;
А.Н. Шукуров	РесДСЭНМ бош врач; ўринбосари, т.ф.н.;
О.Л. Элинская	ЎзР ССВ РесДСЭНМ врач-лаборант, т.ф.н., к.и.х.
М.А. Шамсутдинова	ЎзР ССВ РесДСЭНМ санитария-гигиена лабораторияси мудири
Х.И. Исхакова	ЎзР ТошВМОИ «Микробиология» курси профессори
И.Л. Тё	ЎзР ССВ РесДСЭНМ лабораторияли паразитология бўлими мудири
Н. Тохтабаева	- ЎзР ССВ РесДСЭНМ лабораторияли радиацион гигиена бўлими мудири
Э.Б. Наврўзов	- СГККИТИ катта илмий ходими, т.ф.н.
О.А.Бойқулов	“Саломатлик-3” ЛАОМБ озиқ овқат маҳсулотларини бойитиш дастур мутахассиси т.ф.н.
Д.У.Аббасова	ЎзР ССВ РесДСЭНМ овқатланиш гигиенаси бўлинмаси санитария врач

Такризчилар:

Д.М. Хаширбаева	- ЎзР ССВ СГККИТИ директори, т.ф.д.
Д.А.Зарединов	- ТошВМОИ гигиена кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
Н.А.Шадманова	- ТошВМОИ «Микробиология» курси мудири, ЎзР ССВ бош микробиологи

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги инсон атроф-муҳитида юзага келиши мумкин бўлган ноқулай омилларни тартибга солиш бўйича кўмита мажлисида кўриб чиқилган ва маъқулланган (2018 й. _____даги _____сонли баённома).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ўтказилган (_____-сонли хат).

Ушбу санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлар озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги мезонларини техникавий тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжат ҳисобланади, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида белгиланади ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотлар ва алоҳида шахслар томонидан риоя этилиши учун мажбурийдир (Ўзбекистон Республикаси “Техникавий тартибга солиш тўғрисида” Қонуни 3-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли санитария-эпидемиологик фаровонлиги тўғрисида” Қонуни 5-моддаси).

Ушбу санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлар кучга кириши билан ЎзР “Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигига қўйиладиган гигиеник талаблар” 0283-10-сонли СанҚваМ амал қилиши бекор қилинади.

Ушбу санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативларда Codex Alimentarius Комиссияси материалларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” ги қонуни

Давлат санитария назорати — аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бар-тараф этишга доир фаолият.

«Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари давлат органлари ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши шарт бўлган аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги талабларни белгилайдиган ҳужжатлардир.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланади ҳамда, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради» (5-модда).

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар маҳсулотни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва аҳолига реализация қилиш, ишларни бажариш ҳамда хизматларни кўрсатиш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари шарт (16-модда).

Озиқ-овқат хом ашёсини, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Янги озиқ-овқат қўшимчаларини, махсус қўшиладиган биологик фаол моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга ва ишлаб чиқаришга фақат токсикология-гигиена жиҳатидан баҳолангандан кейингина Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг рухсатномаси билан йўл қўйилади (24-модда).

Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” ги қонуни

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар (бундан кейин матнда давлат назорати органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади (4-модда).

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш шарт-шароитларига қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган санитария, ветеринария, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини, давлат стандартларини, техникавий шартларни (бундан кейин матнда нормалар ва қоидалар деб юритилади) белгилаш йўли билан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва улар озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи соҳасида иш олиб бораётган юридик ҳамда жисмоний шахслар учун мажбурийдир (5-модда).

1. Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги гигиеник нормативлари

1.1. Қўлланилиши соҳаси

1. Хавфсизлик санитария талаблари ва гигиеник нормативлари барча ишлаб чиқариладиган ҳамда четдан келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи татбиқ этилади, шунингдек, агар ўзгачаси халқаро шартномалар билан кўзда тутилмаган бўлса, ушбу нормативларга риоя этилишига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Ушбу санитария талаблари ва гигиеник нормативлари Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли санитария-эпидемиологик фаровонлиги тўғрисида”, “Озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”, “Радиацион хавфсизлик тўғрисида”, “Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоялаш тўғрисида”, “Техникавий тартибга солиш тўғрисида” Қонунлари, Codex Alimentarius стандартлари асосида ишлаб чиқилди ҳамда одам учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигига қўйиладиган гигиеник нормативлар, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулоти тайёрланиши, четдан келтирилиши ва муомаласида мазкур нормативларга риоя этилиши бўйича талабларни белгилайди.

1.2. Истилоҳлар ва таърифлар

2. Ушбу Санитария талаблари ва гигиеник нормативларда қуйидаги истилоҳлар ҳамда таърифлардан фойдаланилади:

озиқ-овқат маҳсулотлари – одам томонидан истеъмол қилинадиган натурал ёки қайта ишлов берилган кўринишдаги маҳсулотлар (шу жумладан, парҳез овқатланиш маҳсулотлари ва бошқа ихтисослаштирилган маҳсулотлар), идишларга қадоқланган ичимлик суви (бутилкага солинган ичимлик суви), алкоголь маҳсулот (шу жумладан, пиво), алкогольсиз ичимликлар, сақич, шунингдек, озиқ-овқат хомашёси, озиқ-овқат қўшимчалари ҳамда озиқ-овқат биологик фаол қўшимчалари. Болалар овқатланиши учун озиқ-овқат маҳсулотлари, идишларга қадоқланган ичимлик суви (бутилкага солинган ичимлик суви)га қўйиладиган талаблар бошқа санитария қоидалари ва меъёрлари билан белгиланади;

озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги – озиқ-овқат маҳсулотининг одамга ҳамда келгуси авлодларга зарарли таъсир кўрсатиши билан боғлиқ рухсат этилмайдиган хавф-хатарнинг йўқлигидан далолат берувчи ҳолати;

биологик фаол қўшимчалар (кейинги ўринларда – БФҚ) – инсон организмидаги физиологик бузилишларни олдини олиш ҳамда соғлом балансни тиклаш мақсадида рационини мақбул даражага етказиш ёки организмни зарур бўлган фойдали моддалари билан тўлдириш учун мўлжалланган, таркибида келиб чиқиши табиий ёки табиийга ўхшаш сунъий биологик фаол моддалар (уларнинг концентратлари), ва (ёки) пребиотик компонентлар ва пробиотик микроорганизмлар мавжуд озиқ-овқат маҳсулотлари;

ген-модификацияланган (ирсий-муҳандислик, трансген) организмлар (кейинги ўринларда - ГМО) – табиий организмлардан фарқ қилувчи ва ирсий муҳандислик услублари қўлланилган ҳолда олинган ва (ёки) ирсий-муҳандислик материалидан, шу жумладан, генлар, уларнинг фрагментлари ёки генлар комбинацияларидан таркиб топган кўпайиш ёки наслий генетик материални узатишга лаёқатли организм ёки бир нечта организм, ҳар қандай ҳужайрасиз, бир ҳужайрали ёки кўп ҳужайрали ҳосилалар;

озик-овқат маҳсулотни идентификациялаш – озиқ-овқат маҳсулотини техник регламент техникавий тартибга солиш объектларига киритиш тадбири;

озик-овқат маҳсулоти тайёрловчиси – харид қилувчилар (истеъмолчилар)га сотиш учун озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш (тайёрлаш) билан ўз номидан шуғулланувчи ҳамда шу маҳсулотнинг техникавий регламентлар талабларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлган ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, шу жумладан, хорижий ташкилот ёки яккатартибдаги тадбиркор;

озик-овқат маҳсулоти сифати – озиқ-овқат маҳсулоти истеъмол хусусиятларини ифодаловчи тавсифлар йиғиндиси;

озик-овқат маҳсулоти компоненти (озик-овқат ингредиенти) (кейинги ўринларда - компонент) – технология ва рецептурага мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ҳамда унинг таркибий қисми ҳисобланадиган маҳсулот ёки модда (шу жумладан қўшимчалар, хушбўй моддалар);

озик-овқат маҳсулоти контаминанти (ифлослантурувчи моддаси) – озиқ-овқат маҳсулотига қасддан қўшилмаган ва бошланғич хомашёни ишлаб чиқариш (шу жумладан, ўсимликчилик, чорвачилик ва ветринарияда бажариладиган операциялар), маҳсулот тайёрлаш, бундай маҳсулотни қайта ишлаш, тайёрлаш, ишлов бериш, ўраб жойлаш, қадоқлаш, ташиш ҳамда сақлаш натижасида ёки атроф муҳит ифлосланиши натижасида ушбу маҳсулот таркибига кириб қоладиган ҳар қандай модда (CODEX STAN 107-1981 181 йилда қабул қилинган. 2016 йилда қайта кўриб чиқилган «Озиқ-овқат қўшимчалари ёрлиқларида уларнинг бундай маҳсулот сифатида сотилганда қўлланиладиган умумий стандарт»);

чекиш тамаки маҳсулоти – чекиш учун мўлжалланган тамаки маҳсулоти;

чекилмайдиган тамаки маҳсулоти – сўриш, чайнаш, хидлаш учун мўлжалланган тамаки маҳсулоти;

жонивордан келиб чиққан қайта ишлов берилган озиқ-овқат маҳсулоти – қайта ишлов берилмаган (ишлов берилмаган) маҳсулдор жониворларнинг барча турлари танаси, уларнинг бўлаклари (шу жумладан, кони ва қўшимча маҳсулотлари), хом сут, ёғсизлантирилган хом сут, хом қаймоқ, асаларичилик маҳсулоти, тухум ва тухум маҳсулоти, овланган биологик сув ресурслари (балиқ маҳсулотлари), сув экинлари маҳсулоти;

нутриентлар (озуқа моддалари) – одам организми томонидан қувват манбаи, аъзолар ва тўқималар ривожланиши, ўсиши ва янгилиниши, ҳаётини фаолият жараёнларини тартибга солишда қатнашувчи физиологик фаол моддалар ҳосил қилиниши учун манбалар ёки субстратлар аввалги моддалари сифатида ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотининг таркибий бўлаклари ҳисобланган ҳамда озиқ-овқат маҳсулотининг озиқавий ва биологик қимматини белгиловчи моддалар;

бойитилган озиқ-овқат маҳсулоти – озиқ-овқат маҳсулоти таркибида дастлаб бўлмаган ёки етарли миқдорда бўлмаган ёки ишлаб чиқариш (тайёрлаш) жараёнида йўқотилган ҳамда битта ёки ундан кўп озиқавий ва (ёки) фаол моддалар ва (ёки) пробиотик микроорганизмлар қўшилган озиқ-овқат маҳсулоти; бунда бойитиш учун ишлатилган ҳар битта озиқавий ёки биологик фаол модданинг миқдори озиқ-овқат маҳсулоти учун тегишли мезонларга – озиқавий модда манбаи ёки озиқ-овқат маҳсулотининг бошқа фарқловчи белгилари даражасига етказилиши тайёрловчи томонидан қафолатланади, бундай маҳсулотдаги озиқавий ва (ёки) биологик фаол моддаларнинг энг юқори миқдори барча эҳтимолдаги манбалар келиб тушганда

(бундай даражалар мавжуд бўлганда) бундай моддалар истеъмол қилиниши энг юқори хавфсиз даражасидан ошиб кетмаслиги лозим;

озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи - озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ҳамда сотиш билан боғлиқ фаолият;

озиқ-овқат маҳсулоти тўпи – битта миллий стандарт, ташкилот стандарти ёки тайёрловчининг бошқа ҳужжатига кўра муайян вақт оралиғида битта тайёрловчи томонидан бирхилда ўраб жойланган, ишлаб чиқарилган (тайёрланган) ҳамда озиқ-овқат маҳсулоти кузатиб борилишини таъминловчи маҳсулотга илова ҳужжатлар илова қилинадиган битта номдаги озиқ-овқат маҳсулотининг муайян миқдори;

озиқ-овқат қўшимчаси – одам томонидан овқатланишда бевосита истеъмол қилинмайдиган, ишлаб чиқариш жараёнида технологик мақсад (функция)да озиқ-овқат маҳсулотига қўшиш, шу жумладан унга муайян органолептик хусусиятлар бахш этиш ва (ёки) белгиланган яроқлилиқ муддати давомида бир нечта технологик функцияларни бажариши мумкин бўлган сифат ва хавфсизликни сақлаб қолиш учун мўлжалланган ҳар қандай модда (моддалар аралашмаси);

озиқ-овқат маҳсулоти – одам томонидан овқатланишда истеъмол қилиш учун мўлжалланган натурал, ишлов берилган ёки қайта ишлов берилган кўринишдаги жониворлардан, ўсимликлардан, микробиологик, маъданли, сунъий ёки биотехнологик келиб чиққан маҳсулотлар, шу жумладан, ихтисослаштирилган озиқ-овқат маҳсулоти, идишларга қадоқланган ичимлик суви, маъданли ичимлик суви, алкоголь маҳсулот (шу жумладан, пиво ва пиво асосидаги ичимликлар), алкогольсиз ичимликлар, озиқ-овқат биологик фаол қўшимчалари (БФҚ). сақич, ачитқилар ва микроорганизмларнинг бошланғич экинлари, хамиртурушлар, озиқ-овқат қўшимчалари, хушбўй моддалар, тамаки маҳсулотлари, шунингдек, озиқ-овқат хомашёси;

шифобахш (пархез) овқатланиш озиқ-овқат маҳсулоти – белгиланган озуқавий ва энергетик қиммат, физик ва органолептик хусусиятларга эга ҳамда шифобахш пархез таркибида ишлатишга мўлжалланган маҳсус озиқ-овқат маҳсулоти;

профилактик овқатланиш озиқ-овқат маҳсулоти – табиий таркибига нисбатан алоҳида моддалар таркиби ва (ёки) мутаносиблиги ўзгартирилган ва (ёки) таркибида аввалдан бўлмаган моддалар ёки компонентлар киритилган углевод, ёғ, оксил, витамин ва бошқа моддалар алмашинуви турлари тузатиш учун мўлжалланган маҳсус озиқ-овқат маҳсулоти, шунингдек, касбий касалликлар ривожланиши хавфини камайтириш учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулоти;

спортчилар овқатланиши учун озиқ-овқат маҳсулоти – одамнинг жисмоний ва асаб-руҳий зўриқишларга мослашувчанлик имкониятларини оширишга ўзига хос таъсир кўрсатадиган ялпи маҳсулотлар ёки уларнинг алоҳида турларидан таркиб топган озуқа қиймати оширилган ва (ёки) самарадорликка йўналтирилган белгиланган кимёвий таркибдаги маҳсус озиқ-овқат маҳсулоти. Спортчилар рационлари функционал овқатланиш маҳсулотларидан таркиб топиши мумкин;

носаноат шароитида тайёрланган озиқ-овқат маҳсулоти – уй шароитида ва (ёки) шахсий ёрдамчи хўжаликларда фуқаролар томонидан ёки боғдорчилик, томорқачилик, чорвачилик ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан олинган озиқ-овқат маҳсулоти;

озик-овқат хомашёси – жониворлардан, ўсимликлардан, микробиологик, маъданли, сунъий ёки биотехнологик келиб чиққан маҳсулотлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (тайёрлаш) учун ишлатиладиган ичимлик суви;

озик-овқат маҳсулотларини кузатиб бориш имконияти – муомаладаги озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрловчиси ва кейинги эгаларини, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулоти келиб чиқиш (ишлаб чиқариш, тайёрлаш) жойи ва (ёки) озиқ-овқат хомашёсини ҳужжатлар (қоғоз ва (ёки) электрон манбалар) асосида аниқлаш имконияти;

озик-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш (тайёрлаш) жараёни - озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш (тайёрлаш)нинг кетма-кет бажариладиган турли технологик операциялари йиғиндиси ёки уйғунлиги;

озик-овқат маҳсулотлари яроқлилик муддати – озиқ-овқат маҳсулотлари одатда органолептик, физикавий-кимёвий кўрсаткичлар бўйича, шу жумладан, озуқавий қиммат бўйича уларга қўйиладиган талаблар ҳамда одам саломатлиги учун хавф солувчи кимёвий, биологик моддалар ва уларнинг бирикмалари, микроорганизмлар ва бошқа биологик организмларнинг йўл қўйилган миқдорига қўйиладиган норматив ҳужжатлар билан белгиланган талабларга тўлиқ жавоб берадиган, шунингдек, функционал мўлжалланган мезонларга мувофиқ келадиган вақт даври;

қувватлантирувчи ичимликлар – одам организмига қувватлантирувчи таъсир кўрсатиш учун етарлича хавфсиз миқдорда қувватлантирувчи, шу жумладан ўсимликлардан келиб чиққан моддалар (компонентлар)дан таркиб топган алкоғолсиз ва кам алкоғолли ичимликлар, чой, кофе ва улар асосидаги ичимликлар бундан мустаснодир;

озик-овқат маҳсулотларини чиқиндига чиқариш – санитария меъёрлари ва қоидалари, техникавий регламентлари талабларига мувофиқ келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини улар мўлжалланган ва одатда ишлатиладиган мақсадлардан фарқ қилувчи мақсадларда ишлатиш ёки санитария меъёрлари ва қоидалари, техникавий регламентлари талабларига мувофиқ келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳар қандай фойдаланиш ва қўллашга яроқсиз, шунингдек, уларнинг одам, жонивор ва атроф муҳитга зарарли таъсирсиз ҳолатга келтириш.

3. Ушбу бўлимда маҳсус аниқланмаган истилоҳлардан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, шунингдек бошқа санитария қоидалари ва гигиеник нормативларда белгиланган мазмунда фойдаланилади.

1.3. Умумий қоидалар

4. Озиқ-овқат маҳсулотлари органолептик ва физикавий-кимёвий кўрсаткичлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган талабларга жавоб бериши ҳамда ҳозирги ва келгуси авлодлар саломатлиги учун хавф солувчи кимёвий, радиоактив, биологик фаол моддалар ва уларнинг бирикмалари, микроорганизмлар ва бошқа биологик организмларнинг йўл қўйилган миқдорига қўйиладиган норматив ҳужжатлар билан белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

5. Озиқ-овқат маҳсулотлари радиацион кўрсаткичлари ушбу Санитария талаблари ва гигиеник нормативларнинг 3-иловаси билан белгиланади.

6. Янги озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришда ёки уни

такомиллаштиришда, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишда юридик ва жисмоний шахслар озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги, яроқлилик муддати, сифат кўрсаткичлари ҳамда назорат услубларини асослаб беришлари шарт (Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддаси).

7. Янги озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, янги технологик жараёнлар, асбоб-ускуналарни жорий этишга уларнинг Заҳарлиологик-гигиеник экспертизаси ўтказилганидан сўнг йўл қўйилади (Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддаси).

8. Ўсимликлардан келиб чиққан озиқ-овқат хомашёси учун қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов беришда пестицидлар** ишлатилганлиги (ёки ишлатилмаганлиги), уларни сақлаш хоналари ва идишлари фумигацияланганлиги, озиқ-овқат захиралари зараркунандалари билан курашилганлиги ҳақида ахборот бўлиши шарт.

9. Жониворлардан келиб чиққан озиқ-овқат хомашёси учун эктопаразитлар ёки жониворлар ва паррандалар касалликлари билан курашиш учун, чорвачилик ва паррандачилик хоналари, ҳавза хўжаликлари ва балиқ етиштириш сув ҳавзалари, асалари оилаларига ишлов бериш учун пестицидлар, шунингдек, қорамол, парранда, ҳавза ва садокда боқиладиган балиқлар, асалари оилаларини боқиш (стероидлар****), касалликларини даволаш ва олдини олиш мақсадларида қўлланиладиган ветеринар препаратлар номи кўрсатилган ҳолда пестицидлар** ишлатилганлиги (ёки ишлатилмаганлиги) ҳақида ахборот бўлиши шарт.

Ҳайвонот дунёсига мансуб озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги ЖССТ/ФАО томонидан тавсия қилинган горманал ветеринар препаратларнинг қолдиқ миқдори 9-иловада келтирилган.

10. Гигиеник нормативларда муайян янги ёки четдан биринчи марта келтириладиётган озиқ-овқат маҳсулоти учун хавфсизлик талаблари кўрсаткичлари бўлмаган тақдирда бундай маҳсулот учун қуйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ўзига ўхшаш маҳсулот талаблари белгиланади:

- маҳсулот янги турини ишлаб чиқувчи корхона томонидан норматив ва/ёки техникавий ҳужжат лойиҳасида белгиланган кўрсаткичлар;
- амалдаги санитария қоидаларида таркиби ва хусусиятлари бўйича шунга ўхшаш маҳсулотга татбиқ этиладиган кўрсаткичлар;
- маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакатда татбиқ этилган кўрсаткичлар;
- халқаро нормативларда тавсия этилган кўрсаткичлар.

11. Болалар овқатланиш маҳсулотлари (барча ёш гуруҳлари учун, шу жумладан, уюшган болалар жамоалари учун), парҳез (шифобахш ва профилактик) овқатланиш, ҳомиладор ва эмизикли аёллар овқатланиши учун махсус озиқ-овқат маҳсулотлари, парранда гўшtidан тансиқ маҳсулотлар (пастрома, чала сур ва чала дудланган маҳсулотлар) ишлаб чиқариш учун совутилгандан ташқари механик нимталанган парранда гўшти ҳамда парранда гўшtidан тайёрланган коллагентаркибли хомашё ишлатишга рухсат этилмайди.

Қиздириб ишлов берилмаган парранда гўшти парранда гўшtidан тайёрланадиган совутилган табиий ярим тайёр маҳсулотлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ишлатилишига рухсат этилмайди, совутилгани бундан мустаснодир.

12. Болалар овқатланиш маҳсулотларида таркибида озиқ-овқат

маҳсулотларидаги маҳсулот ҳажмининг 0,9% дан зиёд ГМО дан таркиб топиши ва таркибида ГМО бўлишига рухсат этилмайди. Таркибидаги ГМО тадқиқ қилиниши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати 6-иловада кўрсатилган.

13. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 7-иловага мувофиқ синтетик бўёвчи моддаларни қўллаш тақиқланади.

14. Озиқ-овқат маҳсулотлари номларида, истеъмол ўрамларидаги ахборотда ҳамда маҳсулотга илова реклама варақларида «парҳез», «шифобахш», «профилактик», «болалар учун», «спортчилар учун», «пробиотик», экологик тоза (органик) истилоҳларидан ёки уларнинг эквивалентларидан фойдаланиш уларнинг хусусиятлари белгиланган тартибда тасдиқланганидан сўнг амалга оширилади.

15. Қонуний ва илмий асосга эга бўлмаган бошқа истилоҳлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

16. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар қонунчиликка мувофиқ уларни қадоқланган, ўраб жойланган (муомаланинг барча босқичларида сифат ва озуқа қиммати сақланишини таъминловчи) кўринишда ҳамда ёрликланган ҳолда чиқариши шарт.

17. Қадоқланган ва ўраб жойланган озиқ-овқат маҳсулот, биологик фаол моддалар, озиқ-овқат маҳсулотлари ёрликқа (илова вараққа) эга бўлиши лозим, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- озиқ-овқат маҳсулот номи;
- озиқ-овқат маҳсулот мўлжалланиши (болалар ва парҳез овқатланиш ихтисослаштирилган маҳсулотлари учун);
- тайёрловчининг номи;
- савдо белгиси (унга эга бўлган ташкилотлар учун);
- озиқ-овқат маҳсулотига таркибига кирувчи инградиентлар, шу жумладан, озиқ-овқат қўшимчалари номи ва миқдори;
- озуқавий қиммати, нави;
- сақлаш шартлари;
- тайёрланиш санаси, яроқлилиқ муддати;
- тайёрлаш усули (ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда болалар ва парҳез овқатланиш ихтисослаштирилган маҳсулотлари учун);
- қуруқ озиқ-овқат маҳсулотлари учун вазни ёки суюқ маҳсулотлар учун ҳажми;
- ишлатиш усули (биологик фаол қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари, болалар ва парҳез овқатланиш ихтисослаштирилган маҳсулотлари учун);
- маҳсулот ишлаб чиқарилган норматив ёки техникавий хужжат рақами;
- таркибида 150 мг/л лан кўп миқдорда кофеин ва /ёки одам организмга қувватлантирувчи таъсир кўрсатиш учун етарли миқдорда доривор ўсимликлар ва уларнинг экстрактлари бўлган алкоғолсиз (қувватлантирувчи) ичимликлар ёрлиғида “18 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладорлик ва эмизикликда, шунингдек, юқори асаб қўзғалувчанлик, уйқусизлик, артериал гипертензияга чалинган шахслар томонидан истеъмол қилиниши тавсия этилмайди” деган ёзув бўлиши лозим.

- Ўзбекистон Республикаси белгиланган талабларига мувофиқ бошқа ахборот.

1.4. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги гигиеник нормативлари

18. Озиқ-овқат маҳсулотлари маҳсулот айниганлигидан далолат берувчи бегона ҳидлар, таъмлар, қўшимчалар, ранг, ҳид ва консистенция ўзгаришларига эга

бўлмаслиги лозим.

19. Озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, озиқ-овқат биологик фаол қўшимчалари, аралаш таркиб хавфсизлиги кўрсаткичларини аниқлаш хомашё асосий тур(лари)и бўйича ҳам масса улушига қараб, ҳам меъёрга солинадиган контаминантларнинг йўл қўйиладиган даражасига қараб амалга оширилади.

20. Курук, концентратланган ёки эритилган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги кўрсаткичларини аниқлаш хомашёдаги ва якуний маҳсулотдаги курук моддалар таркибини ҳисобга олган ҳолда бошланғич маҳсулотга қайта ҳисоб-китоб қилиш орқали амалга оширилади.

21. Гигиеник нормативлар хавфли бўлиши мумкин бўлган кимёвий бирикмалар ва биологик объектлар (ГМО, микроорганизмлар ва уларнинг токсинлари, паразитлар, содда жониворлар)га татбиқ этилади, озиқ-овқат маҳсулотларида уларнинг мавжуд бўлиши тадқиқ этилаётган маҳсулотнинг белгиланган массаси (ҳажми)да уларнинг йўл қўйиладиган даражадан ошиб кетмаслиги лозим.

22. Заҳарли элементлар таркибининг йўл қўйиладиган даражаси гигиеник талаблар озиқ-овқат хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари барча турларига татбиқ этилади.

23. Озиқ-овқат маҳсулотларидаги радионуклидлар таркиби назорат қилинади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг цезий-137 ва стронций-90 бўйича радиацион хавфсизлиги ушбу Санитария талаб ва гигиеник нормативлар билан белгиланган радионуклидлар солиштирма фаоллигининг йўл қўйиладиган даражалари билан белгиланади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг радиацион хавфсизлик мезонларига мувофиқлигини аниқлаш учун В мувофиқлик кўрсаткичидан фойдаланилади, унинг қиймати куйидаги намунадаги цезий-137 ва стронций-90 солиштирма фаоллигини ўлчаш натижаларига қараб ҳисобланади:

$$B = (A/N)(90)Sr + (A/N)(137)Cs,$$
 бунда А – (Бк/кг) озиқ-овқат маҳсулотидаги (90)Sr ва (137)Cs солиштирма фаоллиги қиймати, N – ўша (Бк/кг) озиқ-овқат маҳсулотидаги (90)Sr ва (137)Cs учун солиштирма фаолликнинг йўл қўйиладиган даражаси.

Бошқа радионуклидлар билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулоти радиацион хавфсизлиги радиацион хавфсизлик меъёрлари бўйича санитария қоидалари билан белгиланади.

24. Микотоксин – афлатоксин В1, дезоксиниваленол (вомитоксин), зеараленон, фумонизин, Т-2 токсин, патулин таркиби – ўсимликлардан келиб чиққан озиқ-овқат хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларида, афлатоксин М1 эса сут ва сут маҳсулотларида назорат қилинади. Устувор ифлослантирувчилар куйидагилар ҳисобланади: ғалла маҳсулотлари учун - дезоксиниваленол; ёнғоқлар ва мойли ўсимликлар уруғлари учун – афлатоксин В1; мева ва сабзавотларнинг қайта ишлаш маҳсулотлари учун – патулин.

25. Охратоксин А таркиби озиқ-овқат ғалласи ва ун-ёрма маҳсулотларда, фумонизинлар – маккажўхори ва унинг қайта ишлаш маҳсулотларида назорат қилинади.

26. Болалар ва парҳез овқатланиш маҳсулотларида микотоксинлар мавжуд бўлишига рухсат этилмайди.

27. Ўсимликлар ва жониворлардан келиб чиққан озиқ-овқат хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турларида пестицидлар – глобал

ифлослантурувчилар: гексахлорциклогексан (альфа, бета, гамма-изомерлар), ДДТ ва унинг метаболитлари назорат қилинади. Ғалла ва қайта ишлаш маҳсулотларида, шунингдек, симоб-органик пестицидлар, 2,4-Д кислотаси, унинг тузлари ва эфирлари назорат қилинади. Балиқ ва қайта ишлаш маҳсулотларида, шунингдек, 2,4-Д кислотаси, унинг тузлари ва эфирлари назорат қилинади.

28. 27-бандда кўрсатилган глобал ифлослантурувчилардан ташқари пестицидлар қолдиқ миқдорларини аниқлаш** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига улар олиб келтирилганда ёки қонунчилик билан белгиланган тартибда қайта ишлашга етказиб берилганда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси (етказиб берувчиси) томонидан тақдим этиладиган қўллаш ҳақида ахборотга асосан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган пестицидлар қолдиқ миқдорлари таркиби даражаларини баҳолаш атроф муҳит объектларидаги пестицидлар таркиби гигиеник нормативларига мувофиқ амалга оширилади.

29. Озиқ-овқат маҳсулотлари барча гуруҳларида диоксинлар**** меъёрга солинади. Диоксинлар таркибини назорат қилиш фақатгина экологик вазият ёмонлашуви, атроф муҳитда диоксинлар ҳосил бўлиши ва келиб тушишига сабаб бўладиган ҳалокатлар, техноген ва табиий офатлар юз берган тақдирда ҳамда озиқ-овқат хомашёсида уларнинг эҳтимолий мавжудлиги ҳақида асосланган тахмин бўлган тақдирда тайёрловчи (етказиб берувчи, импортчи) ва (ёки) ваколатли назорат органи томонидан амалга оширилади.

30. Жониворлардан келиб чиққан маҳсулотларда жониворлар ўсишини кучайтирувчи ветеринар препаратлар (шу жумладан, гормонал препаратлар), қорамол ҳамда парранда, ҳавза ва садокда боқиладиган балиқлар ҳамда асалари оилаларини боқиш мақсадларида қўлланиладиган дори воситалари (шу жумладан, антибиотиклар) қолдиқ миқдорлари назорат қилинади.

31. Гўшт, гўшт маҳсулотлари, сўйилган қорамол ва парранда қўшимча маҳсулотлари, ҳавза ва садокда боқилган балиқда, асаларичилик маҳсулотларида чорвачилик ҳамда ветеринарияда кўпинча қўлланиладиган куйидаги боқиш ва даволаш антибиотиклари таркиби назорат қилинади (ушбу Санитария талаблари ва гигиеник нормативлар I бобига мувофиқ):

- бацитрацин (бацитрацин А, В, С, цинкбацитрацин);
- тетрациклин гуруҳи (тетрациклин, окситетрациклин, хлортетрациклин – бошланғич моддалар ва уларнинг 4-эпимерлари йиғиндиси);
- Пенициллин гуруҳи (бензилпенициллин, феноксиметилпенициллин, ампициллин, амоксициллин, пенетамат);
- стрептомицин;
- левомицетин (хлорамфеникол).

32. 31-бандда кўрсатилмаган чорвачиликда жониворлар ўсишини кучайтирувчи ветеринар препаратлар (шу жумладан, гормонал***** препаратлар), қорамол ҳамда парранда, ҳавза ва садокда боқиладиган балиқлар ҳамда асалари оилаларини боқиш мақсадларида қўлланиладиган дори воситалари (шу жумладан, антибиотиклар*) таркибини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига улар олиб келтирилганда ёки қонунчилик билан белгиланган тартибда қайта ишлашга етказиб берилганда озиқ-овқат хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси (етказиб берувчиси) томонидан

тақдим этиладиган қўллаш ҳақида ахборотга асосан амалга оширилади. Мазкур воситаларнинг қолдиқ миқдорларининг энг юқори йўл қўйиладиган даражаси ушбу Санитария талаблари ва гигиеник нормативларнинг 4-иловасида келтирилган.

33. Полихлорланган бифениллар балиқда ва балиқ маҳсулотларида, балиқ маҳсулотлари асосидаги озик-овқат БФҚда; бенз(а)пирен - ғаллада, дудланган гўшт ва балиқ маҳсулотларида назорат қилинади.

34. Озик-овқат маҳсулотларида меламина бўлишига рухсат этилмайди. Сут ва сут маҳсулотларида меламина таркибини назорат қилиш озик-овқат хомашёсида**** унинг бўлиши мумкинлиги ҳақида асосланган тахмин бўлган тақдирда амалга оширилади.

35. Тегишли талаблар белгиланган болалар ва парҳез овқатланиш маҳсулотларида бенз(а)пирен бўлишига рухсат этилмайди.

36. Алоҳида озик-овқат маҳсулотларида қуйидагилар назорат қилинади: азот таркибли бирикмалар: гистамин – лососсимонлар ва скумбриясимонлар, сельдсимонлар, тунецсимонлар оиласидаги балиқларда; нитратлар – мева-сабзавот маҳсулотларида; N-нитрозаминлар – балиқ ва балиқ маҳсулотларида, гўшт маҳсулотларида ҳамда пивопазлик солодида.

37. Овлаш нобалиқ объектларида (моллюскалар, краблар ички аъзоларида) фикотоксинлар назорат қилинади.

38. Мой маҳсулотларида оксидлаш айнаши кўрсаткичлари: кислоталар сони ва перекислар сони назорат қилинади.

39. Озик-овқат маҳсулотларида ушбу Санитария талаблари ва гигиеник нормативларга мувофиқ патоген микроорганизмлар ва паразитар касалликлар кўзғатувчилари, уларнинг юқумли ва паразитар касалликларни кўзғатувчи ёки одам саломатлиги учун хавф туғдирувчи токсинлари бўлишига рухсат этилмайди. 1-иловага кўра патоген микроорганизмлар бўлмаслиги белгиланмаган озик-овқат маҳсулотлари учун уларни 25 г (см³) массада аниқлаш ушбу маҳсулот билан боғлиқ ишлаб чиқариш ҳудудида эпидемият ёмонлашганда амалга оширилади.

40. Қорамол, чўчка, қўй ва от хом гўштида паразитар касалликлар кўзғатувчилари: финналар (цистицерklar), трихинелла ва эхинококklar личинкалари, саркоцисталар ва токсоплазмалар цисталари бўлишига рухсат этилмайди.

41. Балиқ, қисқичбақасимонлар, моллюскалар, ҳам қуруқлик, ҳам сувда яшовчилар, судралиб юрувчиларда ва уларнинг қайта ишлаш маҳсулотларида одам саломатлиги учун хавфли паразитлар тирик личинкалари бўлишига рухсат этилмайди.

42. Сархил ва сархил музлатилган кўкатлар, сабзавотлар, мевалар ва резаворларда гельминтлар тухумлари ҳамда ичак патоген содда жониворлари цисталари бўлишига рухсат этилмайди.

43. Озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги микробиологик кўрсаткичлари бўйича гигиеник нормативлар микроорганизмларнинг қуйидаги гуруҳларини ўз ичига олади:

-санитария-кўргазмали, уларга қуйидагилар киради: мезофил аэроб ва факультатив-анаэроб микроорганизмлар сони (МАФМ), ичак таёқчалари гуруҳи бактериялари – БГКП (колиформлар), Enterobacteriaceae оиласи бактериялари, энтерококklar;

- шартли-патоген микроорганизмлар, уларга қуйидагилар киради: *E. coli*, *S. aureus*, *Proteus*, *B. cereus* тури бактериялари ва сульфитредуцирловчи клостридиялар, *Vibrio parahaemolyticus*;

- патоген микроорганизмлар, шу жумладан, сальмонеллалар ва *Listeria monocytogenes*;

- *Yersinia* тури бактериялари ва ишлаб чиқариш минтақасидаги эпидемияга мувофиқ бошқа патоген микроорганизмлар;

- айниш микроорганизмлари – хамиртурушлар ва моғор замбуруғлари, сут-кислота микроорганизмлари;

- технологик микрофлора даражаси меъёрга солинадиган маҳсулотлардаги ва пробиотик маҳсулотлардаги ачитки микрофлораси микроорганизмлари ва пробиотик микроорганизмлар (сут-кислота микроорганизмлари, пропионово-кислота микроорганизмлари, хамиртурушлар, бифидобактериялар, лактобациллалар ва бошқалар).

44. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги микробиологик кўрсаткичларини меъёрга солиш микроорганизмлар аксарият гуруҳлари учун муқобил тамойил бўйича амалга оширилади, яъни таркибида ичак таёқчалари гуруҳи бактериялари, аксарият шартли-патоген микроорганизмлар, шунингдек, патоген микроорганизмлар, шу жумладан, сальмонеллалар ва *Listeria monocytogenes* бўлишига қўйилмайдиган маҳсулот массаси меъёрга солинади. Бошқа ҳолатларда эса норматив 1 г (мл) маҳсулотда колония ҳосил қилувчи бирликлар сони (КОЕ/г, мл) акс этирилади.

45. Консервацияланган маҳсулотда консерваларнинг муайян тури учун белгиланган сақлаш ҳароратида ривожланишга лаёқатли микроорганизмлар ҳамда одам саломатлиги учун хавfli микроорганизмлар ва микробли токсинлар бўлмаслиги консервацияланган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги мезонлари (саноат стериллиги) ҳисобланади.

46. Биологик фаол қўшимчаларни тайёрлашда ишлатиладиган биологик фаол моддалар, уларнинг манбалари ҳисобланган озиқ-овқат ва маҳсулотлар компонентлари БФҚ самарадорлигини таъминлаши ҳамда одам саломатлигига зарарли таъсир кўрсатмаслиги лозим.

47. Озиқ-овқат биологик фаол қўшимчаларини тайёрлашда ишлатиладиган биологик фаол моддалар, озиқ-овқат компонентлари ва улар манбалари ҳисобланган маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги талабларида белгиланган психотроп, наркотик, заҳарли, кучли таъсир этувчи моддалардан ҳамда WADA амалдаги рўйхати билан белгиланган допинг моддалардан таркиб топмаган бўлиши керак.

48. Озиқ-овқат қўшимчалари қўлланилиши ва улар таркибининг озиқ-овқат маҳсулотларида йўл қўйиладиган даражалари Ўзбекистон Республикасида белгиланган озиқ-овқат қўшимчалари, хушбўй моддалар ва технологик ёрдамчи воситалар хавфсизлиги санитария талаблари ва гигиеник нормативлари билан белгиланган талабларга мувофиқ келиши лозим.

49. Зарур синовларни ўтказишга техник имконият бўлмаган тақдирда (масалан, тамаки маҳсулотларида наркотик моддалар, допинг бўлиши ёки смола ва никотин миқдорини аниқлаш) давлат санитария-эпидемиология назорати органлари маҳсулот намуналарини илмий марказлар аккредитацияланган лабораториялари ёки бошқа муассасаларнинг аккредитацияланган лабораторияларига юборади.

50. Пестицидлар ва усимликларни химоя қилиш бошқа воситалари, кимёвий

ўғитлар, ўсиш стимуляторлари, антибиотик, гормонал ва ветеринария дорилари, ГМОлар ҳамда ионлантирувчи нурланишдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилмаган ёки шундай хом-ашёлардан фойдаланмаган ҳолда ишлаб ишлаб чиқарилган озиқ овқат маҳсулотлари учун “органик маҳсулот” деб маълумот берилади.

Импорт қилувчи ваколатли мамлакат органи томонидан органик маҳсулотни санитария-эпидемиология экспертизасидан ўтказилиши керак

51. Маҳсулотлар таркибидаги туз меъёрларини нон маҳсулотларининг 100 грамида 300 мг дан ортиқ эмас, колбаса маҳсулотларида 1,5% дан ортиқ эмас, пишлоқларнинг 100 грамида 800 мг дан ортиқ эмас деб тасдиқлансин.

52. Ёғлар умумий миқдори 20%дан кам бўлган маҳсулотларда трансжирлар 100 грамм маҳсулотда 4 граммдан (4%) ортиқ эмас, ёғлар умумий миқдори 3%дан кам маҳсулотларда эса трансжирлар 100 грамм маҳсулотда 10 граммдан (10%) ортиқ бўлиши мумкин эмас деб белгилансин.

1.5. Сақлаш ва ташишга қўйиладиган талаблар

53. Озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш ва сақлашда озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳар қандай ифлосланишига тўсқинлик қилувчи ҳамда уларнинг айниши олдини олувчи чора-тадбирларга риоя этиш зарур. Транспорт воситаси ва ўрам рухсат берилган зарарсизлантирувчи воситалардан фойдаланилган ҳолда профилактик зарарсизлантиришдан ўтказилади.

1. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари; парранда, тухум ва унинг қайта ишланган маҳсулотлари

Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар	Рухсат этилган даражаси, мг/кг дан кўп эмас	Изоҳ	
1.1. Гўшт, ш.ж. ярим тайёр гўшт маҳсулотлари, янги сўйилган, совутилган, музлатилган, яхлатилган (барча турдаги сўйиладиган, овланадиган ва ёввойи ҳайвонлар), шу жумладан	кўрғошин	0,5		
	маргимуш	0,1		
	кадмий	0,05		
	симоб	0,03		
	рух	70		
	мис	5		
	Антибиотиклар* (ёввойи ҳайвонлардан ташқари):			
	левомицетин (хлорамфеникол)	рухсат этилмайди	<0,0003 мг/кг	
	тетрациклин гуруҳи	рухсат этилмайди	<0,01 мг/кг	
	бацитрацин	рухсат этилмайди	<0,02 мг/кг	
	Пестицидлар**:			
	ГХЦГ (α, β, γ - изомерлари)	0,1		
	ДДТ ва унинг метаболитлари	0,1		
	Диоксинлар****	0,000003 қорамол, қўй (ёғга ҳисобланганда)		
0,000001 чўчка (ёғга ҳисобланганда)				
1.1.1. Гўшт (барча турдаги сўйиладиган ҳайвонлар):	Микробиологик кўрсаткичлари:			
- янги сўйилган, нимталанган, ярим нимталанган, чоракланган, чопилган	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	10		
	ИТБГ (колиформалар) 1,0г да	рухсат этилмайди		

Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар	Рухсат этилган даражаси, мг/кг дан кўп	Изоҳ
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
- нимталанган, ярим ним-таланган, чоракланган, чопилган музлатилган гўшт	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	1x10 ³	
	ИТБГ (колиформалар) 0,1г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
- нимталанган, ярим нимталанган, чоракланган, чопилган совутилган гўшт	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	1x10 ³	
	ИТБГ (колиформалар) 0,1г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
	Proteus - 0,1г да, яроклилиқ муддати 7 суткадан кўп бўлган маҳсулот учун; - 1,0г да болалар, парҳез ва даволаш-профилактика маҳсулотларида	рухсат этилмайди	
- сокутиб чопилган гўшт (суяксиз ва суякли), вакуум остида ёки модификацияланган газли атмосфера да қадоқланган	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	1x10 ⁴	
	ИТБГ (колиформалар) 0,01г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
	ачитқи, КХҚБ/ г, дан кўп эмас	1x10 ³	
	сульфитредуцирловчи кластридилар 0,01г да	рухсат этилмайди	
1.1.2. Чўчка, айиқ, от, ёввойи чўчка гўштлири ва бошқа трехенеллез билан зарарланишининг потенциал хафи бўлган хайвонлар	Паразитологик кўрсаткичлар:		

Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар	Рухсат этилган даражаси, мг/кг дан кўп эмас	Изоҳ
- (кучук, сув каламуши, бўрсик, енот), шу жумладан янги сўйилган, совутилган, музлатилган, яхлатилган ёғи, каллапоча, ичак-чавоғи, тайёр гўшт маҳсулотлари (таом), яримфабрикалар	Трихинелла личинкалари	Рухсат этилмайди, яшовчанлик хусусиятидан қатъий назар	
- йирик шохли моллар ва чўчқаларнинг сўйилган гўшти: чайнаш мушаклари, тил, юрак, бўйин, бел мушаклари ва тана олди қисмининг бошқа мушаклари	Финнлар (цистицерка) цисталар саркоцисталар ва токсоплазма	Рухсат этилмайди, яшовчанлик хусусиятидан қатъий назар	
1.1.3.Сўйилган ҳайвонларнинг музлатилган гўшти:	Микробиологик кўрсаткичлари:		
- нимталанган, ярим нимталанган, чоракланган, чопилган	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	1×10^4	
	ИТБГ (колиформалар) 0,01г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
- суякли, суяксиз гўшт	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	5×10^5	
	ИТБГ (колиформалар) 0,001г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25 г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25 г да	рухсат этилмайди	

Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар	Рухсат этилган даражаси, мг/кг дан кўп эмас	Изох
- сўйиладиган ҳайвонларнинг гўшти суягидан ажратилгандан кейинги гўшт массаси	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	5x10 ⁶ (юзани фломбирровка қилмасдан намуна тайёрлаш)	
	ИТБГ (колиформалар) 0,0001г да	рухсат этилмайди (шундай)	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди (шундай)	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди (шундай)	
1.1.4. Суяксиз гўштли ярим-фабрикатлар (совутилган, музлатилган, яхлатилган), шу ж. маринадланган:	Микробиологик кўрсаткичлари:		
- йирик бўлакли	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	5x10 ⁵	
	ИТБГ (колиформалар) 0,001г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes в 25г	рухсат этилмайди	
- майда бўлакли	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	1x10 ⁶	
	ИТБГ (колиформалар) 0,001г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
1.1.5. Қиймаланган гўштли яримфабрикатлар (совутилган, музлатилган): - шакиллантирилган, шу ж. унга ёки талқонга булаб	Микробиологик кўрсаткичлари:		
	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	5x10 ⁶	
	ИТБГ (колиформалар) 0,0001г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
Моғор, КХҚБ/г (унга ёки талқонга булаб олинган яримфабрикатлар, яроқлилик муддати 1 ойдан кўп), кўп эмас	500		

Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар	Рухсат этилган даражаси, мг/кг, дан кўп эмас	Изох
- хамир қобиқли, қийма билан тўлдирилган (голубцилар, кабачкилар), қиймаланган гўштли ярим фабрикатлар	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	2x10 ⁶	
	ИТБГ (колиформалар) 0,0001г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
	Моғор, КХҚБ/г (унга ёки талқонга булаб олинган яримфабрикатлар, яроклилик муддати 1 ойдан кўп), кўп эмас	500	
- мол, чўчка ва б. сўйиладиган ҳайвон гўштли қиймаси	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	5x10 ⁶	
	ИТБГ (колиформалар) 0,0001г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
1.1.6. Суякли гўштли ярим-фабрикатлар (йирик бўлакли, порцияланган, майда бўлакли)	Микробиологик кўрсаткичлари:		
	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	5x10 ⁶	
	ИТБГ (колиформалар) 0,0001г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
1.2. Суйиладиган ҳайвонларнинг совутилган субпродуктлари (жигар, буйрак, тил, мия, юрак), чўчка териси, озиқ-овқатга оид қон ва унинг қайта ишланган маҳсулотлари	Захарли элементлар:		
	кўрғошин	0,6; 1,0 (буйрак)	
	маргимуш	1,0	
	кадмий	0,3; 1,0 (буйрак)	
	симоб	0,1; 0,2 (буйрак)	

Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар	Рухсат этилган даражаси, мг/кг, дан кўп эмас	Изоҳ	
	рух	70		
	мис	5		
	Антибиотиклар* (ёввойи ҳайвонлардан ташқари):			
	левомицетин (хлорамфеникол)	рухсат этилмайди	<0,0003 мг/кг	
	тетрациклин гуруҳи	рухсат этилмайди	<0,01 мг/кг	
	бацитрацин	рухсат этилмайди	<0,02 мг/кг	
	Пестицидлар**:			
	ГХЦГ (α, β, γ - изомерлари)	0,1		
	ДДТ ва унинг метаболитлари	0,1		
	Диоксинлар ****	0,000006 – жигар ва унинг маҳсулотлари (ёғга ҳисобланганда)		
1.2.1. Сўйиладиган ҳайвонларнинг совутилган, музлатилган, блоклаб музлатилган субпродуктлари, чўчка териси	Микробиологик кўрсаткичлари:			
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди (намуна тайёрлашда музлатилган блокларни фламбирровка қилиш)		
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди (шундай)		
1.2.2. Озуқавий қон	Микробиологик кўрсаткичлари:			
	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	5x10 ⁵		
	ИТБГ (колиформалар) 0,1г да	рухсат этилмайди		
	сульфитредуцирловчи кластридилар 1,0г да	рухсат этилмайди		
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди		
	S.aureus 1г да	рухсат этилмайди		
1.2.3. Қонни қайта ишлаш маҳсулотлари:	Микробиологик кўрсаткичлари:			

Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар	Рухсат этилган даражаси, мг/кг, дан кўп эмас	Изоҳ
- озуқавий альбумин	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	2,5x10 ⁴	
	ИТБГ (колиформалар) 0,1г да	рухсат этилмайди	
	сульфитредуцирловчи кластридии 1,0г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	S. aureus и Proteus 1г да	рухсат этилмайди	
- қон плазмасининг қурук концентрати (зардоб)	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	5x10 ⁴	
	ИТБГ (колиформалар) 0,1г да	рухсат этилмайди	
	сульфитредуцирловчи кластридилар 1,0г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
1.2.4. Йирик ва майда шохли сўйиладиган молларнинг субмаҳсулотлари (жигар, буйрак, тил, мия, юрак, чўчка териси, озуқавий қон) ва унинг қайта ишланган совутилган, музлатилган маҳсулотлари	Паразитологик кўрсаткичлар: Эхинококклар, цисталар саркоциста ва токсоплазма	рухсат этилмайди, яшовчанлик хусусиятидан қатъи назар	
1.3. Мол, чўчка, қўй ва б. сўйиладиган ҳайвонларнинг хом ёғи (совутилган, музлатилган), чўчка ёғи ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	«Ёғли хом ашёлар ва ҳайвонот маҳсулотлари» бўлимига қаралсин		
1.4. Колбаса маҳсулотлари, сўйиладиган ҳайвонларнинг барча турдаги гўшт маҳсулотлари, гўшдан тайёрланган кулинария маҳсулотлари	Захарли элементлар:		Колбаса маҳсулотлари ва гўшт ва дон консерваларининг хавфсизлик кўрсаткичлари ҳисоби асосий хом ашё турига нисбатан меъриланган контаминатларнинг массаси улushi ва рухсат
	кўрғошин	0,5	
	маргимуш	0,1	
	кадмий	0,05	
	симоб	0,03	
	мис	5,0	

Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар	Рухсат этилган даражаси, мг/кг, дан кўп эмас	Изоҳ	
	рух	70,0		
	Нитритлар	50,0		
	Бенз(а)пирен	0,001 (дудланган маҳсулотлар учун)		
	Антибиотиклар* (ёввойи ҳайвонлардан ташқари):			
	левомицетин (хлорамфеникол)	рухсат этилмайди	<0,0003 мг/кг	
	Тетрациклин гуруҳи	рухсат этилмайди	<0,01 мг/кг	
	бацитрацин	рухсат этилмайди	<0,02 мг/кг	
	Пестицидлар**:			
	ГХЦГ (α, β, γ - изомерлари)	0,1		
	ДДТ ва унинг метаболитлари	0,1		
	Диоксинлар****	0,000003 – мол ва қўй гўшtidан (ёғга ҳисоблаганда)		
		0,000001 – чўчка (ёғга ҳисоблаганда)		
	Нитрозаминлар:			
сумма НДМА ва НДЭА	0,002; 0,004 (дудланган маҳсулотлар учун)			
1.4.1. Колбаса ва сўйиладиган ҳайвон гўшtidан тайёрланган маҳсулотлар хом дудланган, хом куритилган, яроқлилиқ муддати 5 суткадан кўп бўлса, шу ж. кесилган ва вакуум остида қадоқланган	Микробиологик кўрсаткичлари:			
	ИТБГ (колиформалар) 0,1г да	рухсат этилмайди		
	сульфитредуцирловчи кластридилар 0,01г да	рухсат этилмайди		
	S.aureus 1,0г да	рухсат этилмайди		
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди		
	E.coli 1г да	рухсат этилмайди		
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди		

Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар	Рухсат этилган даражаси, мг/кг, дан кўп эмас	Изоҳ
1.4.2. Ярим дудланган ва қайнатиб дудланган колбасалар (колбаса маҳсулотлари)	Микробиологик кўрсаткичлари:		
	ИТБГ (колиформалар) 1,0г да	рухсат этилмайди	
	сульфитредуцирловчи клостридилар 0,01г	рухсат этилмайди	
	S.aureus 1,0г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
1.4.3. Яроқлилик муддати 5 суткадан юқори бўлган қайнатиб дудланган, ярим дудланган колбасалар (колбаса маҳсулотлари), шу ж. кесиб вакуум остида, модифиуацияланган атмосфера шароитида кадоқланган	Микробиологик кўрсаткичлари:		
	ИТБГ (колиформалар) 1,0г да	рухсат этилмайди	
	сульфитредуцирловчи клостридилар 0,1г да	рухсат этилмайди	
	S.aureus 1,0г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
1.4.4. Қайнатилган колбаса маҳсулотлари (колбасалар, сосискалар, сарделькалар, гўштли нонлар):	Микробиологик кўрсаткичлари:		
- олий ва биринчи навли, навсиз	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас		1×10^3
	ИТБГ (колиформалар) 1,0г да	рухсат этилмайди	
	сульфитредуцирловчи клостридилар 0,01г да	рухсат этилмайди	
	S.aureus 1,0г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да (сосиска ва сарделькалар)	рухсат этилмайди	
- иккинчи ва учинчи навли	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас		$2,5 \times 10^3$
	ИТБГ (колиформалар) 1,0г да	рухсат этилмайди	
	сульфитредуцирловчи клостридилар 0,01г	рухсат этилмайди	

Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар	Рухсат этилган даражаси, мг/кг, дан кўп эмас	Изоҳ
	S.aureus 1,0г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L.monocytogenes 25г да (сосиска ва сарделькалар)	рухсат этилмайди	
1.4.5. консервант кўшилган қайнатилган колбасалар, шу жумладан деликатеслар	Микробиологик кўрсаткичлари:		
	МАФАНМК, КХҚБ/ г, кўп эмас	1×10^3	
	ИТБГ (колиформалар) 1,0г да	рухсат этилмайди	
	сульфитредуцирловчи клостридилар 0,1г	рухсат этилмайди	
	S.aureus 1,0г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L. monocytogenes 25г да	рухсат этилмайди	
1.4.6. Қайнатилган, кесилган, яроқлилиқ муддати 5 суткадан юқори бўлган, кесиб вакуум остида, модификацияланган атмосфера шароитида қадоқланган колбаса маҳсулотлари	Микробиологик кўрсаткичлари:		
	КМАФАНМ, КХҚБ/ г	1×10^3 ; $2,5 \times 10^3$ – сервировка учун кесилган	
	ИТБГ (колиформалар) 1,0г да	рухсат этилмайди	
	сульфитредуцирловчи клостридилар 0,1г	рухсат этилмайди	
	S.aureus 1,0г да	рухсат этилмайди	
	патогенлар, ш.ж сальмонеллалар 25г да	рухсат этилмайди	
	L. monocytogenes 25 г да	рухсат этилмайди	
